ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
МЧЖ "Kafolat-lyuks" аудиторлик ташкилоти
Бўз шахри, 1-кичик даха 26 А уй 14 хонадон.

REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ANDIJAN REGION
THE AUDITING FIRM
"KAFOLAT-LUX"
Andijan City, 1-region,

"Кўрғонтепадонмахсулотлари" акциядорлик жамиятининг 2017 йил молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан

Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ҲУЛОСАСИ

Текширилаётган корхона тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Кўрғонтепа шахар Мукумий кўча 100 уй

ИНН-200 279 414

ОКОНХ-19211

Ҳисоб рақами 20208000100201890001 АТБ "Агробанк" Кўрғонтепа филиали

(МФО-00056)

Телефон: 0374-723-15-64

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Андижон шахри, 1 кичик даха, Фурқат кўчаси 26а-уй 14 хонадон

ИНН-202 468 881

ОКОНХ-84400

Ҳисоб рақами 20208000203715469001, АТ "Халқбанки" Анд вил. амалиёт бўлими (МФО-00649)

Телефон: Аудитор: +99890 383-26-06
Факс: 0 374 226-04-15, электрон почта: kafolat-lyuks@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 февраль куни 457-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 март куни 00315-сонли лицензия берилган

Ташкилот директори Рахмонова Умидахон Расуловна 2016 йил 16 январда берилган 05365-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга

Андижон-2018 й

Хулосанинг асосий ва якуний қисми

Мен, МЧЖ шаклидаги "Kafolat-Lyuks" аудиторлик ташкилоти аудитори У Н.Лутфуллаев (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 11 июнда берилган 05389-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) ўзаро тузилган шартномага асосан "Кўрғонтепадонмахсулотлари" акциядорлик жамиятининг 1-шакл "Бухгалтерия баланси" ва 2-шакл "Молиявий натижалар тўғрисида"ги ҳисобот, "Пул оқимлари тўғрисида" ги ва "Хусусий капитал тўғрисида" ги ҳисоботлардан иборат 2017 йил молиявий ҳисоботларини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги: "Кўрғонтепадонмахсулотлари" акциядорлик жамиятининг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ 2017 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларининг тайёрланиши ва хаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги: Берилган аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаси учун аудит ташкилоти жавоб беради. Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, "Кўрғонтепадонмахсулотлари" акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА) талабларига мувофиқ ўтказилди. АФМА молиявий ҳисоботларни жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади.Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

1. 2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра бухгалтерия балансининг 110 қатори "Узоқ муддатли қарзлар " хисобида акс эттирилган сумма таркибида авваалги йиллар мобайнида ўтказилган текширишлар натижасида моддий жавобгар шахслар томонидан келтирилган 33 млрд.824 млн. 424 минг сўм камомад суммалари акс эттирилган.
   Тавсия: Қайд этилган қарздорлик суммаларини йиллик баланс ҳисоботида 4700 «Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари» моддасида акс эттириш ҳамда суд қарорларини асосида ундириш чораларини кўриш лозим бўлади.
2. Жамиятнинг низом жағармаси суммаси бухгалтерия балансининг 410 қатори "Устав каптитали " ҳисобида акс эттирилган миқдор ва тақдим этилган таъсис хужжатларида акс эттирилган миқдор ўртасида тафовут мавжуд..
   Тавсия:Мавжуд тафовутни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш

Асл нусхаси хаққоний ҳисобланади

Берилган сана 2018 йил 16 апрел

MChJ shaklidagi "Kafolat-Lyuks" аудиторлик ташкилоти директори: **У.Рахмонова**

Аудитор: **Н.Лутфуллаев**

Андижон-2018 й